



Nókis q. A.Dosnazarov k. 62 úy, 0 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

12 -апрель 2021 ж /й

03-04/01-1804 -сонли

**Элликқалъа тумани
Халқ таълими бўлими мудирини
А.Нуриимбетовга**

Сизнинг 2021 йил 27 март кунги №01-01/6-289-сонли хатингизда Элликқалъа тумани 15-сонли умумий ўрта таълими мактабида 0,6 га экишлик ери ва манзарали ҳамда мевали дарахтлари мавжудлиги, шунга кўра штатлар жадвалига боғбон штат бирлиги ажратиш беришда амалий ёрдам сўралгани кўрсатилган.

Бу бўйича, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари ҳамда “Меҳрибонлик” уйлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги №406 буйруғининг №13 бандида мактабнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган 0,5 га дан 2,0 га гача майдони учун 1,0 бирлик, кейинги ҳар 2,0 га майдон учун 1,0 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда боғбон лавозими киритилиши, мактабнинг ижарага берган майдони бундан мустасно делинган.

Шу билан бирга, Мазкур буйруқнинг №23 ва №24 бандиларида штат жадвалини тузишда йилнинг 1 январь ҳолатидаги мавжуд ўқувчилар ва синфлар сони ҳисобга олиниши, бунда йилнинг 1 сентябрь ҳолатига ўқувчилар ва синфлар сони ўзгариши билан қайта кўриб чиқилиши ҳамда мактабнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тегишли лавозим бирликлари киритилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сизга Элликқалъа тумани №15 мактабида боғбон штат бирлигини ажратиш бўйича яғни (2021-2022) ўқув йилидан бошлаб ўзгартириш учун қайта кўриб чиқилиши, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тегишли лавозим бирлигини киритишнинг мумкинлигини билдираман.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов